

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 04/30.12.2019.Tib 30.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ШАРАПОВ ОЛИМХОН НАДИРХАНОВИЧ**

**ДАСТУРИЙ ГЕМОДИАЛИЗ ҚАБУЛ ҚИЛАЁТГАН БЕМОРЛАРДА  
ЮРАК-ҚОН ТОМИР КАСАЛЛИКЛАРИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation the abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Шарапов Олимхон Надирханович**

Дастурий гемодиализ қабул қилаётган  
беморларда юрак-қон томир касалликлари.....3

**Шарапов Олимхон Надирханович**

Сердечно-сосудистые заболевания у больных,  
получающих программный гемодиализ.....25

**Sharapov Olimkhon Nadirkhonovich**

Cardiovascular diseases in patients  
receiving programmed hemodialysis.....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....51

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 04/30.12.2019.Tib 30.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ШАРАПОВ ОЛИМХОН НАДИРХАНОВИЧ**

**ДАСТУРИЙ ГЕМОДИАЛИЗ ҚАБУЛ ҚИЛАЁТГАН БЕМОРЛАРДА  
ЮРАК-ҚОН ТОМИР КАСАЛЛИКЛАРИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертационин манзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Tib548 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «Zivonet» Ахборот таълим порталида ([www.zivonet.uz](http://www.zivonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Даминов Ботир Турғунуллаевич</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Раҳимова Дилором Алимовна</b> тиббиёт фанлари доктори
	<b>Жаббаров Озимбай Атаханович</b> тиббиёт фанлари доктори, доцент
<b>Етақчи ташкилот:</b>	<b>П.Л. Шупик</b> номидаги Украина соғлиқни сақлаш миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc 04/30.12.2019:Тib 30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «10» август соғт 12 лиги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-78-25; e-mail: ita2005@mail.ru, Тошкент тиббиёт академияси, 1-ўқув биносининг мажлислар зали).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (...7.20.7 -рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси, 2-ўқув биноси "Б" корпуси, 1-қават, 7-хона мажлислар зали). Тел/факс: (+99871) 150-78-14;

Диссертация автореферати 2021 йил «28» сентябр куни тарқатилди.  
(2021 йил «28» сентябр даги 2 рақамли ресстр баённомаси).

**А.Г. Гадаев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А. Набиева**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори,  
доцент

**А.Л. Аляви**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор, академик



## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда 850 миллион киши турли буйрак касалликлари билан хасталанган. Тахминларга кўра, «...сурункали буйрак касаллиги (СБК) 2040-йилга бориб, бутун дунёда хаёт давомийлигининг қисқаришига олиб келувчи сабаблар орасида 5-ўринни эгаллайди...»<sup>1</sup>. Даво чоралари ўтказилмаган тақдирда ва беморларда оғир юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТК) ёки бошқа асоратлар ривожланганида, СБК касаллигининг терминал давригача кучайиб бориб, бу ҳолатда хаёт фаолияти кўрсаткичларини сақлаб туриш учун гемодиализ ёки буйрак трансплантацияси ўтказиш талаб этилади. Терминал буйрак етишмовчилиги бўлган беморларнинг кўпчилиги гемодиализ билан даволанмоқда ва уларнинг улуши барча буйрак ўрин босувчи терапияси олаётган беморларнинг 80%ини ташкил этмоқда. СБК билан оғриган беморларнинг асосий ўлим сабаби, юрак-қон томир патологиялари кузатиладиган асоратлар ҳисобланади. Юрак-қон томир касалликлари ва ўлим кўрсаткичи, диализдаги беморларда, айниқса ёш ва ўрта ёш аҳоли орасида, ўрин босувчи терапиянинг самарадорлигини пасайишига олиб келувчи асосий сабаблардан ҳисобланади. Буйрак касалликлари терминал босқичидаги беморларда умумий аҳоли билан солиштирганда, юрак-қон томир касалликларидан ўлим курсаткичи 10-30 марта кўпроқ ташкил этади.

Жаҳонда СБК 5-босқич беморларида ЮҚТК кечиши, асоратлари ва даволашга қаратилган кенг камровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Улар асосан юрак ва қон томирларнинг маълум бир патологиясини ўрганишга бағишланган. Гемодиализ қабул қилувчи беморларда уларнинг сони, таркиби, кечиш хусусиятлари ва беморлар яшовчанлик кўрсаткичига таъсирини баҳолаш, мақсадга йўналтирилган ва тизимли равишда, маълум бир беморларда ЮҚТКнинг клиник ва прогностик аҳамиятини баҳолаш, шаҳар ва қишлоқ популяцияси диализ олувчи беморларидаги ЮҚТКнинг қиёсий баҳолаш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, уни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қатор вазифалар белгиланган «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ҳамда диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида турли даражадаги сурункали буйрак касалликларини ташхислаш ва

<sup>1</sup> Кам-Тао Ли Ф., Гарсия-Гарсия Г., Луи С.-Ф. и др. Здоровые почки всем и везде: от профилактики и выявления до равного доступа к медицинской помощи. Терапевтический архив. 2020; 92 (6): 4–14.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

даволашда тиббий хизмат кўрсатишни янги босқичга кўтариш ҳамда сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касалликлар асоратлари натижасида юзага келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2018-йил 12 июлдаги ПҚ–3846-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўтказилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, ҳозирда ЮҚТКга эга СБК терминал босқичидаги беморларни парваришлаш энг долзарб ва хали ўз ечимини топмаган муаммолардан бири ҳисобланади. Гемодиализ қабул қилувчи СБК мавжуд (СБК 5Д) беморлардаги коморбидлик ҳолатлари 20-асрнинг 90-йилларидан бошлаб долзарб бўла бошлаган. Бу ҳолат буйрак трансплантацияси операциялари сони сезиларли ошгани натижасида, ушбу оғир беморлар гуруҳида ҳаёт давомийлигининг узайиш имконияти пайдо бўлгани билан боғлиқ.

СБК 5Д беморларида ЮҚТКга бағишланган илмий ишлар мавжуд. Бироқ, улар гемодиализ қабул қилувчи беморлардаги терминал буйрак етишмовчилиги кечишининг ёшга хос хусусиятларига (Бабарыкина Е.В., 2004; Anand S, 2010), битта патологияга: артериал гипертензияга (АГ) (Pantelis A. Sarafidis, 2017; Hoon Young Choi, 2014; Боровская Е.А., 2010, Куразов Б.Р. ва ҳаммуал., 2015, Agarwal R., 2006) ёки юрак ишемик касаллигига (ЮИК) (Snehil Mishra, 2017; Владимирова Ю.Ф., 2010), ёки сурункали юрак етишмовчилигига (СЮЕ) (Liviu Segall, 2014; Thomas A, 2017; Wang A, 2011; Ильичева О.Е., 2007), ёки артериал гипертензия, қандли диабетга чалинган беморлардаги нефрологик асоратларга (Кобалава ва ҳаммуал., 2017, Vikram P, 2018) ёки гемодиализнинг замонавий усулларига (Иванов Д.Д. ва ҳамуаллифлар, 2019) бағишланган.

Ҳозирги кунга қадар мамлақтимизда СБКга чалинган беморларда кальций ва фосфор алмашинуви бузилишлари (Сабиров М.А., 2018), метаболик бузилишлар (Эгамбердиева Д.А., 2020, гипоазотемик даво (Каримов М.М., 2015), диабетик нефропатия (Жаббаров А.А., 2020) ва унинг

даволашни муқобиллаштириш (Абдуллаев Ш.С., 2016), диализдаги беморларда вирусли гепатитлар (Акалаев Р.Н., 2021) муаммолари бўйича қатор олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган. Бироқ, сурункали буйрак етишмовчилиги терминал босқичида гемодиализ қабул қилувчи беморларда юрак-қон томир касалликлари ўрганилмаган. Шу билан биргаликда, ЮҚТКларнинг сони ва СБК 5Д кечишига таъсири тўлиқ келтирилмаган.

Илмий адабиётлар ва тадқиқотларни таҳлил қилиш натижаларига кўра, ЮҚТКнинг беморларда СБК терминал босқичи кечиши ва оқибатига таъсири ва аҳамияти, дастурий гемодиализ қабул қилувчи беморларда ЮҚТК таркиби ва учраш даражаси, шаҳар ва қишлоқ аҳолисида диализ беморларидаги ЮҚТКнинг таққослама баҳолаш, узоқ муддат гемодиализ ўтказилиши натижасида юракдаги ремоделланиш масалаларига бағишланган республикамизда олиб борилаётган кенг кўламли тадқиқотлар зарурати тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Бу ўз навбатида, ушбу масала бўйича изланишларни давом эттириш зарурлигини кўрсатади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий тадқиқот режалари №01980006703 «Сурункали буйрак касалликларининг замонавий ташхисоти ва даволаш самарадорлигини оширишнинг истиқболли йўллари ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган (2014-2018 йй).

**Тадқиқотнинг мақсади** дастурий гемодиализ қабул қилаётган беморларда касалликнинг кечиши ва оқибатига юрак-қон томир касалликларининг таъсири ва аҳамиятини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

турли маъмурий даражадаги шифохоналарда гемодиализ қабул қилувчи беморлар гуруҳларини қиёсий баҳолаш;

дастурий гемодиализ қабул қилувчи беморларни проспектив кузатуви натижасида, юрак-қон томир касалликлари таркиби ва учраш даражасини таҳлил қилиш;

шаҳар ва қишлоқ, ҳамда уч хил маъмурий даражадаги шифохоналарда сурункали буйрак касаллигининг 5-босқич беморларида юрак-қон томир касалликлари учраш даражасини аниқлаш;

30 ой мобайнида ўтказилган дастурий гемодиализ натижасида, терминал буйрак етишмовчилигидаги юракнинг хажмий-ўлчов кўрсаткичларининг ўзгаришини баҳолаш;

шаҳар ва қишлоқ популяцияси гемодиализ қабул қилувчи беморларида, уларда юрак-қон томир касалликлари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, ўлим ва яшовчанлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

дастурий гемодиализ қабул қилувчи беморларда, 30 ойлик кузатув натижасида ўлимлар сони ва сабабларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2018-2020 йилларда Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази, Шаҳар нефрология шифохонаси ва Гулистон шаҳридаги Сирдарё вилояти кўп

тармоқли тиббиёт марказидаги терминал буйрак етишмочилиги билан оғриган дастурий гемодиализ қабул қилувчи 165та бемор олинган.

**Тадқиқот предмети** сифатида дастурий гемодиализ қабул қилувчи беморларнинг динамикада клиник-лаборатор ва инструментал текшириш маълумотлари, СБК 5-босқичидаги беморларнинг коморбид юрак-қон томир касалликлари, камида 30 ой муддатда беморларнинг леталлик ва яшовчанлик кўрсаткичлари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Қўйилган вазифаларни бажариш учун умумий клиник (умумий қон таҳлили, умумий пешоб таҳлил, биокимёвий қон таҳлили) нур текширувлари (буйрақлар УТТ, эхокардиография), коптокчалар фильтрацияси тезлигини аниқлаш, леталлик ва яшовчанлик кўрсаткичларининг проспектив кузатиш, статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

республикамызда илк маротаба турли маъмурий даражадаги стационарларда ҳамда шаҳар ва қишлоқ аҳолиси орасида дастурий гемодиализ қабул қилаётган беморлардаги ЮҚТК учраш даражаси, таркиби батафсил таҳлил қилинган ва уларни 30 ойлик яшовчанлик кўрсаткичига таъсири тасдиқланган;

дастурий гемодиализ қабул қилаётган шаҳар аҳолиси беморларида қишлоқ аҳолиси беморларига қараганда коморбид юрак-қон томир касалликларининг 1,4 марта кўпроқ учраши аниқланган;

ЮҚТК бор диализдаги беморларда, ЮҚТК бўлмаган беморларга қараганда леталлик икки баробар кўпроқ бўлиб, яшовчанлик кўрсаткичи эса 33% камлиги аниқланган;

юрак хажмий-ўлчов кўрсаткичларини тадқиқ қилган ҳолда, дастурий гемодиализда 30 ойлик қиска муддат мобайнида юрак чап қоринча геометриясида эксцентрик гипертрофия кузатилувчи беморлар сонининг икки баробарга ортиши исботланган;

дастурий гемодиализ олаётган беморларда ЮҚТК кўп ҳолатларда қандли диабет ва анемия билан биргаликда кечиб, ҚД қишлоқ ва шаҳар аҳолиси орасида бир хил даражада учраши, анемия эса қишлоқ аҳолисида кўпроқ ташхисланиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижалари, турли маъмурий даражадаги стационарлардан олинган маълумотлар асосида, ЮҚТК ташхислаш ва даволашини коррекция қилиш имконини беради;

дастурий гемодиализ бажарилиш методикаси ўхшашлигига қарамай, беморларнинг ўртача диализ қабул қилиш муддати шаҳар аҳолисида қишлоқ аҳолисига қараганда ишончли тарзда кўпроқни ташкил этди;

гемодиализдаги беморларда ЮҚТКнинг юқори учраш даражаси, ЧҚ ўлчами ва хажмининг патологик ўзгариши, юрак тузилиши ва функционал ҳолатини ЭхоКГ ёрдамида мунтазам назорат қилишни талаб этади, ҳамда клиник-лаборатор кўрсаткичлар билан бир қаторда беморларни буйрак трансплантациясига тайёрлашда эътиборга олиниши зарур;



ЮҚТКнинг самарали диагностикаси ва давоси учун шифокор кадрлар штатини, гемодиализ бўлими мавжуд стационарлар дори-дармон формулярларини, шунингдек жиҳозланиш табелини портатив ЭКГ, ЭхоКГ, Холтер мониторлари билан такомиллаштириш учун тавсиялар берилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири-иккинчисини тўлдирадиган клиник, биокимиёвий, инструментал ва статистик усуллар асосида дастурий гемодиализ қабул қилаётган беморларда юрак-қон томир касалликларининг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, дастурий гемодиализ қабул қилувчи беморларда юрак-қон томир касалликлари мавжуд ёки йўқлигига қараб леталликни ўрганиш, ёндош ЮҚТК частотаси ва леталлик орасида ишончли ўзаро алоқа борлигини кўрсатиш, Ўзбекистон учун хос бўлган ёшдаги диализ беморлар популяциясида ЮҚТК ўлим хавфини ошириши, айниқса келажакда буйрак трансплантацияси ўтказишда маъқул ҳисобланган ёш беморларда яққолроқ ошириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, дастурий гемодиализ қабул қилувчи беморларни парваришда ЮҚТК профилактика ва давосини кучли тизим асосида олиб бориш натижасида сезиларли даражада яшовчанлик кўрсаткичини ошириш, СБК 5Д босқичидаги беморларда ЮҚТК учраш частотасининг юқорилиги сабабли, уларда юрак-қон томир тизимини доимий мониторингини талаб этиши, гемодиализ бўлимларини жиҳозлашда, ЮҚТКни самарали диагностика ва даволаш учун жиҳозланиш табелига транспорттабел ЭКГ, ЭхоКГ ва Холтер мониторинг аппаратларини киритиш лозимлиги билан изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Дастурий гемодиализ қабул қилувчи беморларда юрак-қон томир касалликлари бўйича олинган натижалар асосида:

дастурий гемодиализ қабул қилувчи аҳоли орасида юрак-қон томир касалликларидан ўлим кўрсаткичларини камайтириш йўллари бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган «Дастурий гемодиализ қабул қилувчи аҳоли орасида юрак-қон томир касалликларидан ўлим кўрсаткичларини камайтириш йўллари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 23 мартдаги 8н-д/113-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома нефрология ва гемодиализ амалиётида беморларнинг коморбид юрак-қон томир касалликларини олдини олиш ва назорат қилиш орқали ўлим хавфини камайтириш, яшовчанлик кўрсаткичларини яхшилаш имконини берган;

дастурий гемодиализ қабул қилувчи беморларда юрак-қон томир касалликларини кечишини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, инфекция ва паразитар касалликлар илмий амалий тиббиёт маркази, Қашқадарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 28 майдаги 08-04/4828-сон маълумотномаси).

Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши ЮҚТКга эга дастурий гемодиализ қабул қилувчи беморларнинг яшовчанлик имкониятларини ошириб, ўлим кўрсаткичларини камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 9 та илмий анжуманларда муҳокома қилинган, жумладан 7 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 114 бетни ташкил этган.


## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ҳамда предмети тавсифланган. Мазкур тадқиқотларнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, унинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши, халқаро ва республика конференцияларида ўтказилган апробациялар бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Дастурий гемодиализ қабул қилувчи сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларда юрак-қон томир касалликлари**» деб номланган биринчи боби сурункали буйрак касаллигининг ижтимоий-тиббий масалалари бўйича замонавий адабиётлар таҳлилига бағишланган. Ушбу бобда СБК 5-босқичининг замонавий тавсифи, тарқалганлиги, учраш частотаси, буйрак урин босувчи терапия аҳамияти ва унинг самарадорлиги келтирилган. Дастурий гемодиализ қабул қилувчи беморларда кардиал коморбид ҳолатларнинг частотаси ва таркиби, уларнинг беморлар яшовчанлик ва леталлик кўрсаткичига таъсири борасида урғу берилган.

Ушбу боб сўнггида кейинчалик изланишлар талаб этадиган, муҳокама қилинувчи масалалар келтирилган.

Диссертациянинг «**Материалларнинг клиник тавсифи ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материаллар тавсифи келтирилган. Ушбу тадқиқот когорт, проспектив тадқиқот ҳисобланади. Дастурий гемодиализ қабул қилувчи СБК 5-босқичидаги беморларда бундай тадқиқот Ўзбекистонда илк бор ўтказилмоқда. **Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2018-2020 йилларда Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази, Шаҳар нефрология шифохонаси ва Гулистон шаҳридаги Сирдарё вилояти куп тармоқли тиббиёт марказидаги терминал буйрак етишмочилигига чалинган дастурий гемодиализ қабул қилувчи 165та беморлар олинган (1-расм).



**1-расм. Беморларнинг гемодиализ марказлари бўйича тақсимланиши.**

Дастурий гемодиализ халқаро андозалар асосида ўтказилган. Уччала муассасада гемодиализ сеанслари Fresenius Medical Care 4008S ва 4008C (Германия) аппаратларида 4 соатдан хафтасига 3 марта ўтказилган.

**Тадқиқот усуллари:** умумий клиник, лаборатор, инструментал. Дастурий гемодиализ қабул қилаётган беморларда ЮҚТК учраш даражаси ва таркиби, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси беморларида даволашнинг кечки натижалари, летал ҳолатлар сабаблари ва яшовчанлик кўрсаткичлари аниқланди. Сон кўрсаткичларининг статистик ҳисоби стандарт клиник тавсияномалар асосида бажарилган. Тафовутлар  $p < 0,05$  бўлганда ишончли ҳисобланган. Яшовчанлик кўрсаткичи Каплан-Мейер усулида, log-rank тестини қўллаган ҳолда ва пропорционал хавфи бор Кокснинг регрессион модели ёрдамида баҳоланган.

Диссертациянинг учинчи бобида «**Тадқиқот гуруҳларининг таққослама ўрганиш**» келтирилган. Тадқиқотга барча спектрдаги беморлар тақдим этилиши учун, СВКТТМ, РИУИАТМ ва ШНШдаги барча гемодиализ қабул қилувчи беморлар киритилган. Уларга 2018-йил апрел ойидан 2020-йил октябр ойигача кузатув ўтказилган. 2018-йилда (беморларга кузатув бошланишида) маълумотлар тўпланиш пайтида, гуруҳларни таққослаш учун биз СБК этиологияси, ёш-жинс хусусиятлари, клиник ва лаборатор (ЮУС,

АҚБ, гемограмма, азотемия, хар бир гуруҳ ўртача гемодиализ давомийлиги) каби кўрсаткичлар танлаб олдик. Хар бир стационарда ЮҚТК частотаси, ЮҚТК билан боғлиқ бўлган ёки бўлмаган леталик кўрсаткичи, яшовчанлик кўрсаткичи 2,5 йил давомида кузатилди.

1-жадвал.

**СБК 5Д беморларини ёш ва жинсига кўра тақсимланиши.**

Кўрсаткичлар	Қишлоқ аҳолиси СВКТТМ	Шаҳар аҳолиси		Хамма беморлар (%)
		РИУИАТМ	ШНШ	
Хамма беморлар, %	61 (37%)	32 (19%)	72 (44%)	165 (100%)
эркаклар, %	39 (64%)	16 (50%)	35 (49%)	90 (54,5%)
аёллар, %	22 (36%)	16 (50%)	37 (51%)	75 (45,5%)
Ўртача ёш, йил	45,5±1,83	51,2±2,65	49±1,62	48,1±1,11
Эркаклар ўртача ёши, йил	44,6±2,30	48,8±3,68	48,1±2,3	46,7±1,49
Аёллар ўртача ёши, йил	47,1±3,06	53,6±3,83	49,9±2,29	49,9±1,66

Шаҳар ва қишлоқ кесимида таққослама ўрганиш учун барча беморлар 2 гуруҳга бўлинди: «Қишлоқ» и «Шаҳар». «Қишлоқ» гуруҳига Сирдарё вилоятидан 61 нафар бемор киритилди. «Шаҳар» гуруҳини Тошкент шаҳрида доимий истиқомат қилувчи РИУИАТМ ва ШНШда даволанаётган 104 бемор ташкил этди (1-жадвал). Жадвалда кўринганидек, умуман эркаклар устунлиги кузатилмаган (барча беморларнинг 54,5%ини (n=90) эркаклар, 45,5%ини (n=75) аёллар ташкил этди) бўлсада, қишлоқ аҳолисида эркакларнинг деярли икки баробар кўплиги аниқланди: мос равишда 39 (64%) ва 22 (36%) бемор. Беморлар ўртача ёши 48,13±1,1 (18-78) йилни ташкил этди.

2-жадвал.

**Тадқиқотга киритилган беморларнинг умумий тавсифи.**


Кўрсаткичлар	СВКТТМ (n=61)	РИУИАТМ (n=32)	ШНШ (n=72)
Эркаклар (%)	64 %	50%	49%
Аёллар (%)	36%	50%	51%
Ўртача ёш, йил	45,50±1,83	51,2±2,65	49,00±1,62
Ўртача ГД давомийлиги, ойлар	16,60±2,40**	58,40±12,28^	27,40±3,79ΔΔ
САБ, мм с.у.	140,90±2,47	133,90±4,71	148,60±3,09Δ
ДАБ, мм с.у.	89,20±1,50	84,30±2,44	86,80±1,54
ЮУС, та/мин.	80,90±0,94	80,80±0,95	80,40±1,13
Қон умумий оксигени, г/л	62,90±0,87***	70,70±1,10^^^	65,70±0,93Δ
Гемоглобин, г/л	73,30±2,19***	92,10±3,78	85,80±2,30ΔΔΔ
Эритроцитлар, *10 <sup>12</sup> /л	2,70±0,06*	3,00±0,13	2,8±0,70

Изоҳ: \* - СВКТТМ ва РИУИАТМ орасидаги ишончлилик, ^ - СВКТТМ ва ШНШ орасида, Δ - РИУИАТМ ва ШНШ орасида. \*/^/Δ бўлганда - p<0.05, \*\*/^/ΔΔ - p<0.01, \*\*\*/^/ΔΔΔ - p<0.001.

Дастурий гемодиализдаги беморлар лаборатор кўрсаткичларининг таҳлили шуни кўрсатдики, барча беморларда ренал анемия кузатилди, умумий оксил концентрацияси референс миқдор доирасида аниқланган, мочевино ва креатинин миқдорлари эса референс кўрсаткичларнинг юқори меъеридан 3-6 марта кўплиги аниқланган. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисида анемия 2-даражаси кузатилган бўлсада, қишлоқ аҳолисида гемоглобин концентрацияси шаҳар аҳолисига қараганда 1.2 баробар камроқни ( $p < 0,05$ ) ташкил этди (2-жадвал). Шунингдек, ШНШ беморларида САБнинг кўтарилиши кўпроқ аниқланиб, уларда СБК терминал босқичига олиб келган 2-тип қандли диабет 38% ҳолатда асосий касаллик сифатида намоён бўлган, ҳамда РИУИАТМ ва СВКТТМ беморларига қараганда 2 баробар юқорини ташкил этди.

Маълумки, протеинурия ва анемия даражаси, САБ кўтарилиши буйрак етишмовчилиги оғирлигининг муҳим белгиларидан бўлиб, асосий касаллик (СГН, диабетик нефропатия) ва гемодиализ асоратлари кучайишига таъсир қилади.

Ўртача гемодиализ давомийлиги 29,4 (2-265) ойни ташкил этди (2-расм). РИУИАТМда беморларни кузатуви бошланишида, 1 йилдан кам муддат давомида дастурий гемодиализ олаётган беморлар 12та (37,5%) бўлган, ШНШда 19та (26,4%), СВКТТМда эса 29та (47,5%). Бу маълумотлар шуни кўрсатадики, СВКТТМга СБК 5-босқичдаги беморлар куп мурожаат этишади, бундан аввал амбулатор ёки стационарларда узок муддат қолиб кетишади. Беморларнинг диализга шу қадар оғир терминал буйрак етишмовчилиги даражасида мурожаат этишлари бу муассасада шу қадар қисқа ўртача гемодиализ давомийлигига сабаб бўлади.



**2-расм. Турли маъмурий даражадаги стационарларда текширилган беморларнинг дастурий гемодиализ ўртача давомийлиги.**

СБК асосий сабаби бўлиб сурункали гломерулонефрит (СГН) ҳисобланди 46,1%, иккинчи ўринда қандли диабет (ҚД) - 26,7%, кейинги ўринларда буйрак-тош касаллиги (БТК) - 8,5%, сурункали пиелонефрит - 6,1% эгаллашди. СБК 5Днинг қолган сабалари кам сонли кузатилди.

Уч хил маъмурий даражадаги даволаш муассасаларида гендер, клиник ва лаборатор кўрсаткичларни таққослаганда, уччала гуруҳ ёш-жинс таркибига кўра ухшашлиги аниқланди. Бироқ, анемия ва гипопроتيенемия оғирлик даражасига кўра фарқланиб, шаҳар ва вилоят даражаларида оғирроқ

беморлар мавжудлигини кўрсатди. РИУИАТМдаги беморлар метаболик ҳолати коррекция қилинган ҳолатда бўлишига сабаб, балки ушбу марказда малакаси юқорироқ мутахассислар жамлангани боис, гемодиализ ҳизмати сифатлироқ курсатилиши ҳисобланади. Умуман олганда, 3 гемодиализ марказларидаги беморлар контингенти таққослама баҳоланганида, уччала гуруҳ азотемия даражаси, ёш-жинс белгиси бўйича ўхшашлиги аниқланди. Бу эса ушбу гуруҳларда клиник ва лаборатор кўрсаткичларни таққослаш, ЮҚТКни баҳолаш ва тадқиқот натижаларини уни ташкил этган барча 3 гуруҳдаги беморларга умумлаштириш имконини берди.

Шахар ва қишлоқ беморлари ўзаро гендер, ўртача ёш, клиник белгилар бўйича фарқланмаган. Шу билан бирга, қишлоқ аҳолисида гемоглобин миқдори камроқлиги ва дастурий гемодиализ давомийлиги 2 баробар камроқлиги кузатилган.

**3-жадвал.**

**Сурункали буйрак касаллиги 5Д беморларида юрак-қон томир патологияларининг сони.**

Кўрсаткичлар	Хамма беморлар n=165 (%)
ЮҚТКга эга барча беморлар	92 (55,8%)
АГга эга барча беморлар	84 (50,9%)
ЮИКга эга барча беморлар	47 (28,5%)
СЮЕга эга барча беморлар	23 (13,9%)
Аритмияга эга барча беморлар	8 (4,8%)
Шу жумладан:	
АГ + ЮИКга эга	28 (17,0%)
АГ + СЮЕга эга	3 (1,8%)
АГ + ЮИК + СЮЕга эга	12 (7,3%)
АГ + СЮЕ + Аритмияга эга	1 (0,6%)
АГ + ЮИК + СЮЕ + Аритмияга эга	4 (2,4%)
ЮИК + Аритмияга эга	3 (1,8%)

Диссертациянинг «Дастурий гемодиализ қабул қилувчи СБК 5-босқичидаги беморларда юрак-қон томир касалликлари» деб номланган тўртинчи бобида бизнинг таҳлилимизга кўра, 165та бемордан 92 (55,8%) тасида юрак-қон томир касалликлари аниқланди, қолган 73(44%) беморда текширув аввалида ЮҚТК ташҳисланмаган. Таъкидлаш лозимки, бу патологиялар алоҳидаланган ҳолдаям, қўшма ҳолатдаям намоён бўлган (3-жадвал). Ўрганилган гуруҳларда қандли диабет ва анемиянинг юқори учраш даражаси, беморларда ЮҚТК кечишини оғирлаштирувчи ва леталлик кўрсаткичини оширувчи жиддий омиллардан ҳисобланади.

Турли маъмурий даражадаги марказлар кесимидаги таҳлил шуни кўрсатдики, текширув бошланишида ШНШ беморларида ЮҚТК 69%ни ташкил этиб, СВКТТМ ва РИУИАТМга қараганда 1,5 баробар кўпроқлиги аниқланди (4-жадвал). СВКТТМда 44,2%, РИУИАТМда 47% беморларда ЮҚТК аниқланди. Хамма беморларда АГ аниқланган. Бу гуруҳнинг ўзига

хослиги ЮИК ва аритмияга эга беморлар аниқланмагани бўлди. Шунингдек, куп миқдордаги – ЮҚТКнинг 94%ида анемия аниқланганини қайд этиш лозим. Бу маълумотлар шаҳар марказида коморбид ҳолатлар аниқланишининг яхши йўлга қўйилгани ва уларни СБК 5Д беморларида таркиби, частотасини ҳақиқийлигини кўрсатади.

#### 4-жадвал.

#### Турли маъмурий даражадаги стационарлар СБК 5Д беморларида юрак-қон томир касалликлари таркиби ва учраш даражаси.

Кўрсаткичлар	СВКТТМ (n=61)	РИУИАТМ (n=32)	ШНШ (n=72)
ЮҚТКга эга барча беморлар	27 (44%)	50 (69%) <sup>^^^</sup>	15 (47%)*
АГга эга барча беморлар	24 (39%)	45 (62,5%) <sup>^^</sup>	15 (47%)
ЮИКга эга барча беморлар	5 (8%)	39 (54%) <sup>^^^</sup>	3 (9%)***
СЮЕга эга барча беморлар	3 (5%)	19 (26%) <sup>^^^</sup>	1 (3%)***
Аритмияга эга барча беморлар	3 (5%)	5 (7%)	-
Шу жумладан:			
АГ + ЮИКга эга	2 (3%)	24 (33%) <sup>^^^</sup>	2 (6%)***
АГ + СЮЕга эга	1 (2%)	3 (4%)	-
ЮИК + Аритмияга эга	1 (2%)	2 (3%)	-
АГ + ЮИК + СЮЕга эга	1 (2%)	10 (14%) <sup>^</sup>	1 (3%)
АГ + СЮЕ + Аритмияга эга	1 (2%)	-	-
АГ + ЮИК + СЮЕ + Аритмияга эга	-	3 (4%)	-


Изоҳ: \* - ШНШ ва РИУИАТМ орасидаги ишончлик, ^ - СВКТТМ ва ШНШ орасида, Δ - РИУИАТМ ва СВКТТМ орасида. \*/^/Δ бўлганда -  $p < 0.05$ , \*\*/^/ΔΔ -  $p < 0.01$ , \*\*\*/^^/ΔΔΔ -  $p < 0.001$ .

РИУИАТМ ва СВКТТМда кўшма ЮҚТК мос равишда 20% ва 22%ни ташкил этган бўлса, ШНШда бу кўрсаткич 84%ни ташкил этди. Бу ҳолат шуни кўрсатадики, ШНШ контингентида ЮҚТК коморбидлиги катта бўлиб, СБК 5Д беморларида леталлик кўрсаткичининг юкори хавфи хисобланади. Бу маълумотлар, ШНШ СБК 5Д беморларининг леталлик кўрсаткичи таҳлилида ўз исботини топди. Бу кўрсаткич СВКТТМ ва РИУИАТМга караганда баландроқ бўлди.

Биз Ўзбекистонда илк марта гемодиализдаги беморлар ЮҚТК таркибини шаҳар ва қишлоқ кесимида ўргандик(3-расм).

Шаҳар аҳолисида (62,5%) ЮҚТК қишлоқ аҳолисида(44%) караганда 1,4 марта кўпроқни ташкил этди ( $p < 0,05$ ). ЮҚТК таркибида энг кўп АГ эканлиги аниқланди: шаҳар аҳолисида - 92%, қишлоқ аҳолисида - 89%. Шаҳар гуруҳининг ўзига хослиги, ЮИК (65%) ва СЮЕ (31%) бўлган беморларнинг кўплиги бўлди. Аритмия ЮҚТК беморларининг 5% дагина кузатилди. Шунингдек, кўшма ЮҚТКлар ҳам кўпроқ кузатилди: 69% шаҳарда ва 10% қишлоқда. Шаҳар популяциясида энг кўп аниқланган кўшма ЮҚТК АГ + ИБС аниқланди (барча ЮҚТК кўшма ҳолатларининг 58%ни ташкил этди). Қишлоқ аҳолиси ЮҚТКга эга беморларида кўшма ЮҚТКлар кам учраши,

уларнинг ўз вақтида ташхисланмагани билан изоҳланади. СБК 5Д босқичи беморларида ЮҚТКнинг бундай юқори коморбидлиги нефролог ва кардиологнинг диализгача ва диализ даврида ҳамкорлик қилиши лозимлигини исботлайди.



**3-расм. Рисунок 3. Шаҳар (а) ва қишлоқ (б) аҳолиси сурункали буйрак касаллиги 5Д беморларининг юрак-қон томир касалликлари таркиби.**

Дастурий гемодиализ қабул қилувчи СБК 5-босқичдаги беморларда, ЭхоКГ текшируви ёрдамида, 20 беморда (11 эркак ва 9 аёл) юрак тузилиши ва функционал ҳолатининг ўзгариш динамикаси ўрганилди. ЭхоКГ битта аппарат ва мутахассис ёрдамида бирламчи текширувдан ўтган ва 2,5 йил давомида дастурий гемодиализ қабул қилган ўша-ўша беморларда бажарилди. Худди шу жинсдаги ва ўртача ёшдаги 20 соғлом одам назорат этиб ҳисобланишди. СБК 5Д беморларида ЭхоКГ таҳлили шуни кўрсатдики, барча текширилган беморларда отиб бериш фракцияси камайгани, чап қоринча миокарди массаси ва унинг индекси (ЧҚММ, ЧҚММИ) ортгани, ЯДЎ, ЯСЎ, ЯДХ, чап қоринча орқа девори қалинлиги (ЧҚОДҚ) ортгани аниқланиб, чап қоринчанинг бошқа ўлчам ва ҳажм кўрсаткичлари назорат гуруҳига ўхшаш бўлди.

СБК 5Д беморларида ЧҚОФ назорат гуруҳига қараганда ишончли тарзда камроклиги аниқланди. ЧҚОФни кузатув давридан аввал ва кейин аниқлаш, ЧҚ қисқарувчанлик функциясининг ишончли тарзда ўзгариши йўқлигини кўрсатди. Чап қоринча гипертрофиясининг ЭхоКГдаги асосий ташхисий кўрсаткичи ЧҚММИ ҳисобланади. Натижалар кўрсатишича, дастурий гемодиализ қабул қилувчи ЮҚТКга эга беморларда ЧҚММИ ишончли тарзда каттароқ, 30 ой давомида ўтказилган гемодиализ муолажаси эса унинг камайишига олиб келди (5-жадвал).

Шунингдек, биз ушбу гуруҳдаги беморларда чап қоринча ремоделланиши типини ҳам ўргандик. Биз ЧҚ нормал геометриясини учратмадик ва барча ҳолатларда ЧҚ гипертрофияси аниқланди, бу СБК 5Д босқичи учун хос ҳисобланади. Тадқиқот аввалида 20та текширилган бемордан 16тасида (80%) концентрик, 4тасида (20%) эса эксцентрик ЧҚ гипертрофияси мавжуд бўлган (4-расм).




**Сурункали буйрак касаллиги 5Д беморлари асосий эхогеометрик кўрсаткичларининг динамикадаги тавсифи ( $M \pm m$ ).**

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи (n=20)	ЭхоКГ гуруҳи, бошланғич (n=20)	ЭхоКГ гуруҳи, 30 ой ўтиб (n=20)
Чап бўлмача, см	3,5±1,08	4,3±0,17	4,3±0,25
ЧҚ ЯДЎ, см	4,9±0,43	6,2±0,47*	5,8±0,10
ЧҚ ЯСЎ, см	2,93±0,56	4,2±0,17*	4,1±0,09
ЧҚ ЯДХ, мл	93,6±12,49	138,0±9,0*	188,0±18,1**
ЧҚ ЯСХ, мл	43,8±17,3	63,8±13,60	93,4±11,04**
ЧҚ ЗХ, мл	58,8±10,4	74,2±8,58	94,6±11,42
ЧҚ ОХ, %	60,15±4,29	56,4±4,15	50,3±3,71
ЧҚ ҚФ, %	30,8±2,54	31,9±3,06	29,6±1,88
ҚАТ, см	0,9±0,2	1,4±0,2	1,3±0,05
ЧҚОДК, см	0,8±0,19	1,4±0,14*	1,2±0,04
ЧҚ ДНҚ, см	0,35±0,06	0,4±0,02	0,4±0,01
ЧҚММ, г	162,3±43,2	443,2±15,2***	306,8±15,09**
ЧҚММИ, г/м <sup>3</sup>	86,75±9,63	243,4±7,96***	172,0±10,52**

Изох: \* - назорат гуруҳига нисбатан статистик ишончли, \*\* - бошланғич ҳолатга нисбатан статистик ишончли.

Тадқиқот охирида 30 ойдан сўнг, нисбатнинг эксцентрик ЧҚГ томон ўзгариши кузатилди: 12 (60%) беморда концентрик ЧҚГ, 8 (40%) беморда эксцентрик ЧҚГ аниқланди. Вақт ўтгани сари, 30 ойлик қисқа муддат ичида гемодиализ муолажаси таъсирида, беморларда юрак геометриясининг ЧҚ эксцентрик ремоделланишига ўзгариши 2 баробар кўп кузатилди.



**4-расм. Чап қоринча ремоделланишининг тадқиқот аввалида (а) ва охирида (б) ўзгариши.**

Шундай қилиб, гемодиализ муолажаси таъсирида юракнинг эхогеометрик кўрсаткичлари динамикасини ўрганиш кўрсатдики, СБК 5Д беморларида ЧҚ ремоделланиши кузатилади. Олинган маълумотларга кўра, юрак параметрлари хали нормал кўрсаткичларидан фарқ қилмаган ва минимал эксцентрик ЧҚГ га эга давр, буйрак трансплантацияси ўтказиш учун

оптимал давр эканлигини ҳақида хулоса қилса бўлади. Бизнинг маълумотларга кўра, ЮҚТК юқори частотаси, ЧҚ ўлчамлари ва хажмларининг патологик ўзгариши, юрак тузилиши ва функционал ҳолатини доимий ва даврий ЭхоКГ ёрдамида назорат қилиш кераклигини талаб этади. Буйрак трансплантациясига тайёгарлик давомида, клиник-лаборатор кўрсаткичлар билан бир қаторда, ЭхоКГ маълумотлари ҳам ҳисобга олиниши зарур.

Диссертациянинг «Дастурий гемодиализ қабул қилувчи СБК 5-босқичидаги беморларда яшовчанлик ва леталлик кўрсаткичларининг таҳлили» деб номланган бешинчи бобида СБК 5Д беморларида леталлик ва яшовчанлик кўрсаткичлари келтирилган. 165 бемор 30 ой давомида кузатувда булишди. Ушбу давр якунида 3 хил оқибат аниқланди: 49,7% бемор гемодиализ олишда дваом этган, 6,7%га беморга буйрак кўчириб ўтказилган. 30 ой давомида 43,6% (n=72) бемор вафот этган (6-жадвал).

6-жадвал.

**30 ойлик кузатув давомида юзага келган оқибатига кўра беморлар тавсифи.**

Кўрсаткичлар	ГД қабул қилаётган	Буйрак кўчириб ўтказиш	Вафот этганлар
n (барча 165 бемордан % улуши)	82 (49,7%)	11 (6,7%)	72 (43,6%)
Ўртача ёш, йил	45,6±1,5	31,5±2,6	53,6±1,6***
Ўртача ГД давомийлиги, ойлар	33,0±5,4	8,4±1,7	28,6±3,9***
ЮҚТК бўлган (n дан % улуши)	38 (46,3%)	5 (45,5%)	49 (68,1%)
ЮҚТК бўлмаган (n дан % улуши)	44 (53,7%)	6 (54,5%)	23 (31,9%)

Изоҳ: \* - тирик қолган ва вафот этган гуруҳлараро тафовут ишончлилиги.

Леталлик таҳлили шуни кўрсатдики, вафот этганларнинг 68,1% (n=49) ЮҚТКга эга бўлган ва ЮҚТК йўқ бўлган беморлардан 2 баробар кўпрокни ташкил қилган. Гемодиализ қабул қилишда давом этаётган ЮҚТКлари бўлмаган беморлар, ЮҚТК ташҳисланган беморларга нисбатан 31,7% кўпроклиги аниқланди. Буйрак трансплантацияси ўтказган ЮҚТК йўқ бўлган беморлар, ЮҚТКга эга беморлардан 25% кўпроқ эканлиги аниқланди. Бу операцияга беморларнинг танлаш мукамал ўтказилиши билан боғлиқ ва кардиоваскуляр коморбид ҳолатга эга беморлар буйрак трансплантацияси учун навбат рўйхатига тушишга минимал имкониятларга эга.

30 ойлик кузатув давомида СБК 5Д беморларида касалликнинг кечиш ва оқибати алоҳида қизиқиш уйғотди. Бутун кузатув даври бир қатор хусусиятларга эга бўлган.


1. 2018 йил дастлабки 9 ойида ва ундан авал республикадаги барча маъмурий даражадаги стационарларда дастурий гемодиализ бир марталик диализаторлар куп марта ишлатилган. Шубҳасиз, бу гемодиализ сифатига таъсир қилган.

2. 2019-йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида диализаторлар фақат бир марта қўлланилмоқда ва бу дарров леталлик кўрсаткичларида намоён бўлди.

